

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Маълум қилинишича, сўнги саккиз йилда мамлакатимизда аҳоли учун 565 мингта, аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп хонадон қурилган. Қурилиш материаллари саноати 4 баробар ўсиб, жорий йилда 53 триллион сўмга, экспорти эса 1,1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Тармоқда 2,4 миллиард долларлик 112 та лойиҳани амалга ошириш орқали 13,5 мингта иш ўринлари яратиш режа қилинган. Стратегик аҳамиятга эга 110 миллион долларлик яна 5 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, лойиҳалар портфелини 3,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи маҳсулотлар турини кенгайтириш, қурилишда фойдаланиладиган энергия тежамкор ва экологик маҳсулотлар улушини келгуси йили 25 фоизга, 2030 йилга қадар эса 35 фоизгача етказиш белгиланди.

Қурилиш материаллари соҳасини халқаро талабларга мослаштириш мақсадида 125 та халқаро стандарт қабул қилинган бўлиб, 2026 йилда буни 166 тага етказиш муҳимлиги қайд этилди.



№90 (943)
2025 йил 21 ноябрь,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

“Янги Қўқон” — шаҳарсозликда бошланаётган янги саҳифа

Сардорхон СОДИҚҲОНОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Қўқон шахри ҳақида гап кетганда, унинг “қўҳна ва навқирон” деб аталиши бежиз эмас. Қўҳна – чунки у Буюк ипак йўлидаги қадимий савдо ва маданият маркази. Навқирон – замонавий, кенг қўламли қурилишлар энг фаол кечаётган шаҳар.



► 2-бет

“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий хатарлар олдини олишга хизмат қилади



Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkoti” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” ўтказилиб, унда жамоатчилик фаоллари ва ОАВ вакиллари қатнашди.



Тадбирдан қўзланган асосий мақсад – вазирлик фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарлар олдини олиш, соҳада жорий этилган замонавий механизмлар ва рақамлаштириш натижалари ҳақида жамоатчиликка батафсил маълумот беришдан иборат.

► 2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси мажлисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича соҳада тизимли ишларни ташкил этиш ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Мазкур йиғилиш давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18–20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталари мажлисларида белгилаб берган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, соҳада барқарор ривожланиш сиёсатини янада кучайтириш ва тегишли йўналишларда самарадорлиқни ошириш мақсадида ташкил этилди. Тадбир-

да вазир ўринбосари Озода Жўраева соҳа бўйича амалга оширилаётган тизимли ислохотлар, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, 2030 йилгача мўлжалланган миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиш жараёни юзасидан батафсил маълумот берилди билан иштирок этди.

Тошкентда бўлиб ўтган “Давлат-хусусий шериклик орқали хусусий капитални мобилизация қилиш” мавзусида халқаро форум доирасида “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Саудия Арабистонининг “Saudi Tabreed District Cooling” компанияси ўртасида “Нукус шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш” тўғрисида келишув имзоланди.

Унга қўра, Нукус шаҳрида қиймати 20,3 миллион долларга тенг РК-1 қозонхонасини замонавий тригенерация технологияларини жорий қилган ҳолда янгилаш ишлари олиб борилди. Бунда 21,5 МВт электр, 61,5 МВт иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Натижада, лойиҳанинг биринчи босқичида 114 та кўп қаватли уй ва 31 та ижтимоий соҳа объекти, лойиҳа тўлиқ ажунлангач Ну-

кус шаҳридаги 20 мингдан ортиқ хонадон ёки 511 та кўп қаватли уй ҳамда 182 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик энергияси билан қамраб олинади. Шу билан бирга, йилга 6 миллион куб табиий газ ҳамда 1,8 миллиард сўмгача электр энергияси иқтисод қилинади. Ушбу лойиҳа тўлиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошади.

Янги Тошкент дирекциясининг Инвестицияларни жалб этиш департаменти бўлим бошлиғи У. Тешабоев АҚШнинг Флорида штати Орlando шаҳрида ўтказилаётган IААРА Ехро – 2025 халқаро кўргазмасида иштирок этди.

IААРА Ехро – 2025 – глобал кўнгилочар индустриянинг энг йирик анжуманларидан бири бўлиб, унда тематик ва ўйин-қўғилар парклари, аквапарклар, оилавий кўнгилочар марказлар, музейлар, курортлар ва йўналишга оид бошқа йирик компаниялар вакиллари қатнашади. 2024 йилги кўрсаткичларга қўра, тадбирда 41 мингдан ортиқ иштирокчи, 1134 та компания-экспонент, шунингдек, 20 мингдан зиёд харидор ташкилотлар қатнашган эди. Бу йилги кўргазма ҳам дунёнинг 178 дан ортиқ мамлакат ва минтақаларидан

етакчи экспертларни бирлаштирган бўлиб, Disney Parks, Universal Studios, SeaWorld, LEGOLAND, Qiddiya Investment Company каби глобал брендлар ўз технология ва ечимларини тақдим этишди.

У. Тешабоевнинг тадбирда иштироки Янги Тошкент лойиҳасида инновацион ёндашувларни ўрганиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш ҳамда шаҳарнинг рекреацион ва кўнгилочар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги ёғаларни жалб этишга хизмат қилади.

Компетенцияни ривожлантириш институтининг 14-мавсум тингловчилари учун Янги Тошкент шаҳрига амалиёт ташкил этилди. Лойиҳачилардан иборат жамоа, аввало, Янги Тошкентнинг лойиҳаси билан танишиб, унинг концепцияси ва ривожланиш босқичлари бўйича батафсил маълумотга эга бўлишди.

Шундан сўнг, тингловчилар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, “Янги Ўзбекистон” университети ҳамда бошқа объектларнинг қурилиш жараёнларини ўрганишди. Амалиёт давомида қурилиш технологиялари, шаҳарсозлик ёндашувлари, лойиҳа

бошқаруви ҳамда муҳандислик ечимлари бўйича реал тажрибалар билан таништирилди. Ушбу амалиёт тингловчилар учун назарий билимларни амалий жараён билан мустахкамлаш, замонавий шаҳар қурилиши бўйича тажриба орттириш имконини берди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Хоразм вилоятида жами 1959 та кўп квартирали уй-жойлар мавжуд бўлиб, шундан 1340 таси “Pasportbino.uz” электрон платформасига киритилган. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан ушбу кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолатларини визуал ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўрганиш жараёнида Урганч шаҳрида 14 та, Хива шаҳрида 18 та, Қўшқўпир туманида 3 та, Янгибозор, Ҳазорасп ва Шовот туманларида 1 тадан, жами 38 та кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати инструментал техник текширувдан ўтказилиши зарур деб топилди. Ҳозирда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси

бўртмаси билан шартнома асосида ҳудудий инспекциянинг Қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан инструментал техник текширувлар белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Инструментал техник текширув якуний ҳулосалари тегишли тартибда туман(шаҳар) ҳокимликларига тақдим қилинади.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан пойтахтнинг Шайхонтоқур ҳамда Мирзо Улўғбек туманларида кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини ўрганиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда рейд тадбирлари олиб борилди.

Назорат тадбирлари жараёнида мулкдорлар томонидан кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатига шикаст етказган ҳолда таянч ҳамда тўсиқ деворларни бузиб ташлаш, шунингдек,

кўп қаватли уйнинг умумий ҳудудини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш каби ҳолатлар аниқланмоқда. Мазкур ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари Пастдарғом туманидаги “Самарқандкимё” АЖ томонидан қурилаётган ишлаб чиқариш заводида навбатдаги мониторинг ишларини ўтказди.



Мониторинглар давомида объектда бир неча қоидабузарликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Хусусан, объектда юритилиши шарт бўлган ишчи журналлар тўлиқ юри-тилмаган, пойдеворларнинг гидроизоляция ишлари лойиҳа талаблари асосида бажарилмаган, шу билан

бирга, объектдаги айрим арматура ва маҳкамловчи деталларда зангланган ҳолатлари аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан қурилиш масъуларига қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди ва уларни бартараф этишга киришилди.

◀1-бет

“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”
шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий
хатарлар олдини олишга хизмат қилади

Тадбирни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов очиб, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш йўналишида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар аҳамиятини алоҳида қайд этди. Вазиr ўринбосари ўз нуткида коррупция ислохотлар суръатини пасайтирувчи энг катта тўсиқ эканини таъкидлаб, давлатимиз раҳбарининг “Рақамлаштиришдан қочаётган ҳар бир раҳбар – коррупцияни йўқ қилишга интилимган раҳбардир”, деган сўзларини эслаб ўтди.

– Коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бошқарув тизимида “инсон омили”ни камайтириш учун ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир, – деди Тоир Алиматов. – Шу маънода, вазиrлик томонидан соҳани рақамлаштириш, коммунал тўловлар тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Менинг уйим” билнинг тизими ишлаб чиқилган. Бунда кўп квартиралы уйлардаги аҳолининг мажбурий бадап тўловлари (квартиплата)ни электрон шаклда тўлаш ва ўз навбатида юрдошларимиз томонидан бошқарув ташкилотларининг молиявий харажатларини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилди. Шунингдек, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида, рейтинг, тендер, қурилиш сифат назорати, лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, мониторинг каби электрон платформалар ишга туширилган. Мазкур ахборот тизими орқали қурилишнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича хизмат турлари тўлиқ рақамлаштирилди. Мисол учун, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари рейтингни платформаларини ишга тушириш натижасида тендер соҳасида очикилик ва шаффофлик таъминланмоқда.

Шу билан бирга, вазиrлик томонидан бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, инсон омилини қисқартириш ва жамоатчилик назоратини кенгайтириш асосий вазифа сифатида белгилангани маълум қилинди. Хусусан, вазиrликнинг барча йўналишлари кесимида 120 та функция ва жараёнлар бўйича коррупциявий хавфлар таҳлил қилиниб, уларни минималлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини



кучайтиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вазиrликда янги штат бирликлари ташкил этилгани, “ҳуқуқий эксперимент” доирасида барча ҳудудларда мустақил ички назорат ҳодимлари жорий қилингани ва уларнинг бевосита вазиrга ҳисобдорлиги белгилаб қўйилгани таъкидланди. Шубҳасиз, бу амалиёт соҳада назоратни кучайтиришда муҳим қадам ҳисобланади.

Тадбирда Бош прокуратура бошқарма прокурори Мансур Рўзимов ҳам сўзга чиқиб, қурилиш ва коммунал соҳада олиб борилаётган рақамлаштириш ишлари бўйича қуйидаги фикрларни билдирди:



– Амалиёт шунни кўрсатмоқдаки, жараёнлар рақамлаштирилган сари инсон омили камайиб, очикилик ва шаффофлик даражаси ошиб бормоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазиrлигида коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасизлик чоралари изчил кучайтирилган. Бу эса, тизимнинг ошқоралигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимиз

Шавкат Мирзиёев бошчилигида жорий йилнинг 5 март куни бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида берилган топшириқлар юзасидан Бош прокуратура ҳамда Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазиrлиги ҳамкорлигида “Йўл харита”си ишлаб чиқилган. Унда қурилиш соҳасида коррупцияга сабаб бўлаётган хавф-хатарларни олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланган. “Йўл харита” 36 банддан иборат бўлиб, ҳозирга қадар 12 банд бўйича ишлар амалга оширилди. Вазиrлик тизимидаги ҳар бир йўналишни максимум даражада рақамлаштириш ва инсон омилини чеклаш орқали коррупцияни олдини олиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вазиrликда амалга оширилаётган рақамлаштириш ишлари тадбирнинг асосий мавзуларидан бири бўлди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида лойиҳаларни келишиш, экспертизадан ўтказиш, тендер жараёнлари, қурилиш ишлари назорати ва мониторинг тўлиқ электронлаштирилгани маълум қилинди. Тизимнинг Адлия вазиrлиги, Ички ишлар вазиrлиги, Олий суд ва Кадастр агентлигининг ахборот базалари билан интеграция қилингани инсон омилини кескин камайтиргани таъкидланди. Бу орқали ўтган 4 йилда давлат бюджетида 3,6 трлليون сўм тежалгани қайд этилди.

Тадбирда “Рейтинг” ва “Тендер” электрон платформаларининг муҳим натижалари ҳам омма эътиборига ҳавола этилди. Пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини 4 та йўналиш бўйича инсон омилисиз баҳолайдиган рейтинг тизимига 18 мингдан ортиқ ташкилот қамраб олингани, очик тендер тизимида 16 мингдан зиёд харидлар электрон ўтказилгани ва ҳар бир тендерда қатнашувчилар сони ўртача

4 тадан ошгани соҳага рақобат ва шаффофликни кириб келаётганини кўрсатади. Шунингдек, электрон аукционлар орқали бўш ер участкаларини тақдим этиш тизими ўсиб бораётган талабни қондираётгани маълум қилинди.

Шу билан бирга коммунал соҳани рақамлаштириш ва бу орқали тизимда инсон омилини минималлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берилди. “Кўп квартиралы уйларни бошқариш органларининг электрон реестри” маълумотлар базаси ишга туширилиб, бошқариш органлари тўғрисидаги маълумотлар аҳолига очиклаб борилиши йўлга қўйилди. Уйларни бошқариш органларига бириктириш, бошқарув органларини электрон реестрда рўйхатдан ўтказиш каби жараёнларда инсон омилини камайтириш ҳамда очикиликини таъминлаш мақсадида мазкур хизматлар Давлат хизматлари орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, “Хавфсиз лифт” платформаси ишлаб чиқилиб, лифтларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мазкур платформада акс эттирилиши йўлга қўйилди. Уйларни эксплуатация қилишда таъмирлаш жараёнларини шаффоф тарзда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, “Турар жой” миллий ахборот тизими яратилди. Мазкур тизимнинг ўзига хослиги кўп квартиралы уйларни нуқсон далолатномалари ва таъмирлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар акс эттириб борилади ҳамда аҳолига очикланади.

Вазиrлик томонидан коррупциянинг олдини олиш мақсадида қаррлар малакасини ошириш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва ҳодимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Бу борада жорий йилда 136 та семинар-тренинг ўтказилгани, 491 нафар ҳодим антикоррупция академиясининг 1-босқич ўқувларини тамомлагани, яна 1700 нафар ҳодимнинг ўқув жараёнлари бошлангани маълум қилинди. Манфаатлар тўқнашуви бўйича 4 мингдан зиёд ҳодим декларация тўлдиргани, қонунга зид ҳолатлар аниқланган мутахассисларнинг ҳужжатлари Одоб-ахлоқ комиссиясига юборилгани маълум қилинди.

“Очиқ эшиклар кун” доирасида журналистлар Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазиrлигининг “Янги Тошкент” ҳудудида жойлашган янги биноси билан ҳам танидишлар.

◀1-бет

“Янги Қўқон” —
шаҳарсозликда
бошланаётган янги саҳифа

Шаҳарда 84 та баланд қаватлы уйлар қад ростлаётган мега-лоиҳа “Янги Ўзбекистон” дастури доирасидаги йирик лойиҳалардан бири – собиқ ёғ-мой комбинати ҳудудида барпо этилаётган “Янги Қўқон” мавзесидир. Бу ерда 10-16 қаватлы 84 та турар жой бинолари бунёд этилмоқда. Қурилиш бошланганига ҳали бир йил тўлмастан, дастлабки уйлар аллақачон ақуний босқичга етган.

Мавзеда нималар барпо этилмоқда?

Фарғона вилояти Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Авазбек Мадаминовнинг айтишича, “Янги Қўқон” биргина уйлар мажмуаси эмас, тўлиқ инфратузилмага эга янги шаҳарча ҳамдир.

Лойиҳада ижтимоий ва маданий инфратузилма: болалар учун замонавий кутубхона, ёшлар маркази, оила учун хибонлар ва сайлгоҳлар, қўнигилочар аттракционлар, 1990 ўринли замонавий ихтисослашган мактаб, мактабгача таълим муассасаси, Қўқон давлат университетиининг янги биноси, 5 қаватли катта автотураргоҳ, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маржмуаси, 16 ва 10 қаватли бизнес марказлари қурилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, Қўқон азалдан савдо шаҳри бўлгани учун мавзеда бизнес инфратузилмаси ҳам муҳим ўрин тутган.

Ипотеканинг янги тизими: Ўзбекистонда биринчи тажриба “Янги Қўқон” уйларининг энг муҳим жиҳатларидан бири – улар янги ипотека модели асосида қурилаётгандир. Бу ерда тадбиркор аввал эски уйларни сотиб олиб, кейин қурилишни бошлаш амалиёти йўқ. Шунингдек, уйлар тадбиркор маблағи эвазига қурилаётгани ҳам йўқ. Бунда ер ажратиш ва қурилиш харажатларини давлат ва банк зиммасига олади. Уйларнинг эгалари – банкнинг ўзи. “Ўзсаноатқурилишбанк” вакили Исроможон Сохибназаров берган маълумотига кўра, банк аҳоли учун 20 йилга бўлиб-бўлиб тўлаш асосида имтиёзли кредитлар



тақдим этмоқда. Тайёр ҳолатдаги уйлар Мустақиллик байрами арафасида ўз эгаларига топширилади.

Унга кўра, мазкур уйлар сифат бўйича Европа стандартларига мос. Уйлар нафақат Қўқонда, балки агроф туманларда ҳам юқори талабга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда биринчи марта: ҳар бир хонадонга икки хил сув қувури ўрнатилади. Авазбек Мадаминовнинг таъкидлашича, бу лойиҳа Ўзбекистонда илк бор қўлланилаётган муҳим техник ечимни ўз ичига олади: ичимчилик суви учун алоҳида қувур ҳамда техник (маиший) эҳтиёжлар учун алоҳида қувур. Техник сув ошхона, ҳаммом ва кир ювиш учун ишлатилади. Бу, ичимлик сувини тежаш, шунингдек харажатларни камайтириш имконини беради. Бу тизим ҳозирча мамлакатда бошқа жойда қўлланилмаган. Иситиш тизимининг икки ёқлама қафолати сифатида мавзедаги уйлар учун махсус марказий қозонхона қурилмоқда. Бироқ янгилик шундаки, ҳар бир хонадонда электрга уланадиган замонавий электр-радиаторлар ўрнатилади. Марказий иситиш тизимида муаммо юз берса, уй эгалари электр панел орқали хонани мустақил иситиши мумкин. Бу тизим қишда ҳарорат ўзгаришига қарамай, хонадонлар доимо иссиқ бўлишини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, “Янги Қўқон” – нафақат қурилиш лойиҳаси, балки Ўзбекистоннинг уйсозлик моделини туддан ўзгариётган, халқро талаблар даражасида барпо этилаётган янги шаҳар қиёфасидир. Илгор техник ечимлар, янги ипотека тизими, замонавий ижтимоий муҳит ва қулай инфратузилма – буларнинг барчаси Қўқонда уйсозликда янги саҳифа очаётганини кўрсатмоқда.

СИФАТ ВА
МУКАММАЛЛИК
САРИ


Зойир БАЗАРОВ, Сирдарё вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК раҳбари ўринбосари.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари кишиларга қулай муҳит яратиш билан бир қаторда ҳудуд фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу борада, Сирдарё вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” ДУКнинг хизмати катта бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир.

“Ягона буюртмачи хизмати” ДУК томонидан жорий йилда жами 8 та дастур асосида 447 та лойиҳа бўйича буюртмачи функцияси амалга оширилмоқда. Бу бўйича бугунги кунда жами 279,8 миллиард сўм ўзлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-454-сонли қарори асосида еттига лойиҳани амалга ошириш учун 42,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. 14,7 миллиард сўмга капитал қуйилма ўзлаштирилиб, 3 та лойиҳа соғлиқни сақлаш объекти – Сайхунобод туманида 2 та, Мирзаобод туманида 1 та оилавий поликлиника қурилиши якунига етказилиб, фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарори асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича 50 та ҳудудда суғориш тизимини яхшилаш учун 31,7 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Шунингдек, 16 та “драйвер” лойиҳани амалга оширишга 14,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган ва 13,9 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган.



Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” дастури бўйича 2025 йил 1-мавсумда 20 та лойиҳани амалга оширилиши учун 18,7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Қолаверса, маҳаллий маблағлар ҳисобидан 16 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган ва 14,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартдаги “Сирдарё вилоятида ишбилармонлик муҳити, инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш” бўйича ПҚ-93-сонли қарори билан 300 та лойиҳа бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бу бўйича бугунги кунда 645,0 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги “Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-245-сонли қарори топшириғига асосан, 11 та ҳудудга “Мастер режа” ишлаб чиқиш учун 8,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб 1,9 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган. Вазиrлик ва корхоналар ўз ҳисобидан 18 та лойиҳани амалга оширилиши туфайли 4,8 миллиард сўм капитал қуйилма ва 4,5 миллиард сўмга маблағ ўзлаштирилган. Шу билан бирга, ҳудудларни обод қилиш, маҳаллаларда инфратузилма объектларини яхшилаш махсус қарорига асосан, 9 та лойиҳа амалга оширилган ва 1,8 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК томонидан амалга оширилаётган барча лойиҳаларда тежамкорлик, мукамаллик ва сифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инновацион технологиялардан
фойдаланиш масаллари
муҳокама қилинди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, “O‘zGASHKLITI” қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастр лойиҳа илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазиrлиги ҳамкорлигида Нукус шаҳрида “Шаҳарсозлик фаолиятида инновацион технологияларнинг қўлланилиши” мавзусида ҳудудий кўргазма ва илмий-амалий семинар ўтказилди.



Семинарда “O‘zGASHKLITI” институти бош директори И. Магруппов, “RIA INFORM SERVICE” директори Т. Бессмертный, Техник сиёсат ва ахборот таъминоти департаменти директори А. Примов ва бошқалар “Шаҳарсозлик фаолиятида бинолар, иншоотлар ва инфратузилмаларни лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда замонавий геоахборот таъминоти технологиялари”, “Қурилиш соҳасида инновацион технологиялари ва уларнинг аҳамияти”, “Шаҳарсозлик фаолиятини геоахборот билан таъминлашда марказлашган топографик маълумотлар базасининг аҳамияти” каби мавзуларда маъруза қилишди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда шаҳарсозлик соҳаси бутун дунёда жадал ривожланмоқда. Илгор давлатлар тажрибаси шунни кўрсатмоқдаки, инновация ва рақамли технологияларсиз замонавий шаҳар муҳитини яратиб бўлмайди. Геоахборот тизимлари, BIM моделлаштириш, учувчисиз дронлар, энергиятежамкор материаллар – буларнинг барчаси янги авлод шаҳарларининг асосий пойдевори-га айланмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан соҳани рақамлаштириш, қурилиш сифати назоратини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2025 йил 12 февралда Вазиrлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолияти-

ни геоахборот билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан қурилиш якунланган объектларда ижрочи топографик съёмкаларнинг мажбурий бажарилиши белгиланди. Ижро топографик съёмкалари бажарилмаган объектлар эксплуатацияга қабул қилинмаслиги белгилаб қўйилди.

Идоравий бўйсунуви ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналар томонидан амалга оширилган йирик масштабли топографик суратлар “Топография” маълумотлар базасига киритилиши, акс ҳолда ушбу топографик суратлардан фойдаланилган ишчи лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бу, аввало, бажарилаётган топографик ишларни тартибга солиш билан бир қаторда, уларнинг сифатини оширишга, қурилган объектларнинг лойиҳага мувофиқ бажарилган ёки бажарилмаганлигини аниқлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бинони эксплуатация қилиш жараёнида юзага келадиган муаммолар, айникса, янги қурилушлар жараёнида коммуникация тармоқларининг узилиши, ноқонуний қурилушлар, коммуникация тармоқларининг муҳофаза зоналарида объектларнинг қурилишни бартараф этади. Тадбиркорлик субъектларини коммуникация тармоқларига улаш ёки ҳудуднинг тармоқларини истиқболларини режалаштириш каби шаҳарсозлик масалаларини ҳал этишга асосланган тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

– Семинар мақсади – жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янги технологиялардан тўғри фойдаланиш, учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланиб, ерларни мониторинг

қилиш ва бу аппаратларни сунъий интеллектга интеграциялаш, хозирги лойиҳачи ҳодимларга жаҳон тажрибасида лойиҳалаш-ни кўрсатишдан иборат, – деди “O‘zGASHKLITI” институти бўлим бошлиғи Муродбек Мирхайдаров. – Жаҳон тажрибасида бугунги кунда сифат ва теъликин оширишга хизмат қиладиган учувчисиз учуш аппарати кенг жорий этилган. Унинг ёрдамида олинган маълумотни 3D моделда қайта ишлаш орқали илгари 2–3 ой давомида бажарилган ишлар бугунги кунда бир ҳафта ёки ўн кунда якунланмоқда. Институтимиз томонидан Қорақалпоғистонда жуда кўп лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, Қўнғиротда 85 минг гектар ҳудудда шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу экологик тоза махсулот олишга, ҳаво ифлосланишининг камайишига хизмат қилади.

Тадбир ҳудудий ихтисослаштирилган кўргазма билан давом этди. Унда шаҳарсозлик соҳасида қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, геодезия ва муҳандислик ечимлари, шунингдек, энергия тежамкор технологиялар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

– Сўнгги йилларда республикаимиз ҳудудида олиб борилаётган қурилиш ишларида энг сўнгги русумдаги инновацион технологиялардан фойдаланиш замон талабига айланди, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари, бош архитектор Азамат Уразимбетов. – Бугунги тадбир Қурилиш ишларида энг сўнгги инновацион технологиялардан фойдаланишни жорий этишга ва бу орқали қурилишнинг сифати ҳамда суръатини оширишга туртки бўлади.



Реконструкция жараёнида аниқланган КАМЧИЛИКЛАР бартараф этилди

Дурдона ЭЛМУРОВОВА, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.

Қурилаётган ҳар бир объект аҳоли учун хавфсиз, ишончли, табиатнинг мавсумий ўзгаришлари ҳамда зилзилаларга бардошли бўлиши шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлақонли амал қилган ҳолда барпо этилиши ҳамда шахарнинг ташқи кўренишига ҳам ноқулайликлар туғдирмаслиги лозим.

Айнан мана шу мақсадда давлатимиз томонидан яратилган қонуний талаблар мавжуд. Афсуски, ҳар доим ҳам ушбу қонун-қоидаларга тўлақонли равишда амал қилинмаётти.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъул ходимлари томонидан объектларда қурилиш сифати ва лойиҳа талаби бўйича жараёнларни ўрганиш мақсадида доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Яқинда ҳудудий инспекция ходимлари томонидан Қарши давлат университетининг катта футбол майдонида олиб борилаётган реконструкция ишлари ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, Қарши шаҳар “Маҳаллот” маҳалла фуқаролар йиғини, ҳудудида жойлашган Қарши давлат университетининг катта футбол майдонида реконструкция ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида стадионнинг мавжуд инфраструктурасини замонавий талаблар асосида янгилаш, спортчилар ва томошабинлар учун хавфсиз ҳамда қулай шароит яратиш мақсад қилинган.

- РЕКОНСТРУКЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА:**
- томошабинлар учун замонавий трибуна барпо этиш;
 - майдон четларини металл панжара билан ўраш;
 - югуриш йўлакчасига сунъий қоплама ётқизиш;
 - ёнгин ва эвакуация хавфсизлиги талабларига мослаштирилган кириш-чиқиш йўлакларини яратиш;
 - спорт майдонининг ёритиш тизимини модернизация қилиш режалаштирилган.
- Босқичма-босқич амалга оширилаётган ушбу жараёнларда лойиҳа талабидан келиб чиққан ҳолда мониторинг ишлари олиб борилганда, бир қанча камчиликлар аниқланди. Хусусан, инспекция томонидан ўтказилган техник кўрик давомида томошабинлар учун мўлжалланган қисмга ўрнатилган бетон плиталар

БЕТОН СИФАТИГА ОИД АСОСИЙ ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАРИ:

- Ўз ДСт 26633 – бетон синфлари ва мустаҳкамлиги;
- Ўз ДСт 1025 – оғир бетоннинг техник талаблари;
- Ўз ДСт 13015 – темир-бетон буюмлари сифат назорати.

Бу стандартларда бетоннинг зичлиги, сув ўтказмаслик, музлашга чидамлилиқ, юк кўтарувчанлик синфи каби кўрсаткичлар қатъий белгиланган бўлиб, уларга амал қилиниши мажбурийдир.

Ҳозирда Қарши давлат университети стадионидаги реконструкция ишлари сифат ва хавфсизлик талабларига қатъий амал қилинган ҳолда давом эттирилмоқда. Аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилгани келгусида томошабинлар ва спортчилар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳудудий инспекция томонидан қурилиш жараёнининг барча босқичлари бўйича назорат янада кучайтирилади.

Оқова сув иншоотлари ўрганилмоқда

Хумоюнжон СОДИҚЖОНОВ, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан оқова сув тозалаш тизимлари ҳолати бўйича наватбадаги ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда “Андижон сув таъминоти” АЖга қарашли “Иттифок” оқова сув тозалаш иншоотида инспекция мутахассислари томонидан техник ҳолат, тозалаш жараёнлари ва санитария талабларига риоя этилиши атрофилига қўздан кечирилди.

– Ҳозирда иншоотда ўртача 500–700 куб метр атрофидаги оқова сув қайта ишланмоқда, – деди ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосари Хусанбой Обиджонов. – Мақсадимиз – ускуналар ҳолати, филтрация ва чўқитиш босқичларининг самардорлигини баҳолаш ҳамда эътибор талаб этувчи нуқталарни аниқлаб,

уларни бартараф этиш бўйича таъсиялар беришдир.

Шунингдек, мутахассислар томонидан насос агрегатлари, тозалаш сифатини таъминловчи босқичлар, шунингдек, экологик меъёрларга мос равишда сувнинг чиқиш даражаси ўрганилди. Аниқланган айрим камчиликлар бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди. Ҳудудий инспекция ходимлари бу каби ўрганишларни тизимли давом эттириб, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш мақсадида объекتلарнинг самарали ишлашини доимий назорат қилиб келмоқда.

ПЛАСТИК ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

**келажак авлод учун тоза ва соғлом
муҳит яратишга хизмат қилади**

Райхона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги томонидан 15 ноябрь – Бутунжаҳон чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳри Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган пластик чиқиндиларни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Вериф” корхонасига медиа-тур ташкил этилди.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида нафақат камайтириш чораларини кўриш, қолаверса, аҳоли орасида уларни саралаш орқали қайта ишлашга топшириш ва айланма иқтисодиётдаги улушини ошириш муҳим саналади. Медиа-тур давомида иштирокчилар ушбу корхона мисолида пластик идишларнинг аҳолидан қабул қилинишидан тортиб, уларни қайта ишлаб, иккиламчи тайёр маҳсулот ҳолигача бўлган босқичлар билан батафсил танишилди.

Пластик идишлар одатда ПЭТ (полиэтилентерефлат) материалдан тайёрланади. Тадқиқотларга кўра, қуёш нури ва юқори ҳарорат таъсирида ПЭТ идишлардан антимон (сурма) каби зарарли кимёвий моддалар сувга ажралиб чиқиши мумкин. Бошқа турдаги пластик идишлар (масалан, поликарбонат) таркибида БПА (бисфенол-А) бўлиши мумкин. Бу моддаларнинг инсон саломатлигида ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, боғалар ва аёллар учун, айниқса, хавфи бор.

Пластик чиқиндилар 450-500 йилда чириб, табиатга азият беради. Уларни қайта ишлаш натижасида пластик идишлар, хўжалик буюмлари, қувурлар ва ПЭТ лентаси, синтетик тоғалар олиш мумкин. Шу боис, аввало, пластик маҳсулотлардан фойдаланмаслик, унинг ўрнига экологик тоза муқобил вариантга ўтиш ёки фойдаланилган пластик чиқиндиларни табиатда тартибсиз қолдирмай, саралаш орқали қайта ишлашга топшириш муҳим ҳисобланади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

- **Ўзбекистонда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 15 фоизини пластик чиқиндилар ташкил этади;**
- **республика бўйича йилга ўртача 1,8 миллион тонна пластик чиқинди ҳосил бўлмоқда;**
- **ҳозирда пластик чиқиндиларни қайта ишлаовчи 116 та корхона томонидан уларнинг ўртача 130 минг тоннаси қайта ишланмоқда.**



ишлаб чиқаришга мўлжалланган экосаноат зоналари ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, республиканинг 6 та ҳудудда умумий ҳисобда жами 933 миллион АҚШ доллар миқдорига хорижий инвестиция жалб этилиб, чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергия олишга мўлжалланган заводлар қурилмоқда. Улар 2027 йилда фойдаланишга топширилади. Келгусида ушбу заводлар кунига 10 минг тонна чиқиндини қайта ишлаб, йилга 1 миллиард 564 минг кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Натижада 950-1000 та янги иш ўрни яратилади.

Мисол учун, “Вериф” корхонаси 2012 йилда иш бошлаган бўлиб, пластик чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Корхона йилга 26 500 тонна пластик идишни қайта ишлаш қувватига эга. Бунда асосий уч турдаги: ПЭТ лентаси, пластик гранулалар ва 15 турдаги синтетик тоғалар (тури ва ҳажми бўйича оддий тоғалар, ҳолофибер ва бошқалар) ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотлар маҳаллий ҳамда Россия, Беларусь ва Европа давлатлари бозорларига импорт ва экспорт қилинмоқда. Корхонада 350 га яқин иш ўрни яратилган бўлиб, ҳодимлар 3 маҳал иссиқ овқат ва махсус кийим билан таъминланган. Масъуллар келгусида

камайиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу ерда бор-йўғи 5 фоиз атрофида пластик чиқиндилар қайта ишланмоқда. Қолгани ёқиб юборилмоқда ёки махсус полигонларга кўмилмоқда. Оқибатда ҳар йили 2,2 миллион тонна пластмасса бўлаклари атроф-муҳитга сочилиб кетмоқда.

Хитой – бу давлатда ҳам ҳар йили 50 миллион тонна атрофида пластик чиқинди чиқади. Ундан фақат 15-16 миллион тоннаси қайта ишланади. Хитойда пластик чиқиндиларнинг 70-80 фоизи ёқилади ёки кўмиб юборилади. Қолгани сув ҳавзалари орқали дунё океанига чиқиб кетмоқда. Жумладан, бугун Хитойдан оқиб ўтувчи тўртта дарё дунё океанига энг кўп пластик чиқинди оқизувчи манбалар ҳисобланади. Пластикларнинг ёқилгани ҳавонини ифлослантирмоқда, кўмилгани эса жуда катта майдонда ерни яроқсизга чиқармоқда. Оқибатда, пластик чиқиндилар Хитойда жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хиндистондан фарқи равишда Хитойда сўнгги йилларда пластмассадан фойдаланиш ва пластик чиқиндиларни қайта ишлашга эътибор оширмоқда. Бу муаммо бўйича ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Хитой энг йирик пластмасса ишлаб чиқарувчиси ҳисоблансада, уни аҳоли жон бошига ишлатишда АҚШдан анча орқада қолади. Чунки мамлакат ишлаб чиқарган пластмасса буюм ва жиҳозларнинг кўпроқ қисmini экспорт қилади.

Бразилия – бу давлатда пластик чиқиндилар муаммоси шошлиқ энг эътибор талаб қиладиган долларб масала ҳисобланади. Бу мамлакат пластик чиқиндилари бўйича АҚШ, Хитой ва Хиндистондан кейин дунёда тўртинчи ўринда туради. Ҳар йили Бразилияда тахминан 11,3 миллион тонна пластик чиқинди ишлаб чиқарилади ва шундан атиги 1 фоиздан сал кўпроги қайта ишланади.

Қолган 10 миллион тонна атрофидаги пластик чиқиндиларнинг бир қисми ёқилади, яна бир қисми кўмилмоқда. Қолгани атрофга, сув ҳавзаларига тушмоқда ва дунё океанига чиқиб кетмоқда. Оқибатда улардан барча, инсонлар, қуруқликдаги ва сувдаги жонзотлар жабрланмоқда. Бразилияда ҳар йили ишлаб чиқарилаётган пластик чиқиндиларнинг 13 фоизини бир марталиқ идишлар, ошхона жиҳозлари (санчки ва пичоқлар), полиэтилен пакетлар ташкил этмоқда.

Хиндистон – дунёдаги энг кўп пластик чиқиндилар чиқарувчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили тахминан 9-12 млн тонна пластик чиқинди ишлаб чиқарилади. Хиндистон пластик чиқиндилар кўплиги туфайли ҳозирданоқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Бу мамлакатда пластик чиқиндиларнинг асосий қисми турли жойларга улоктирилади ва улар ташланган жойида қолиб кетади. Шу сабабли, ҳаммаёқ – кўчалар, даладар, сув ҳавзалари пластик чиқиндилар билан тўлган. Хиндистонда чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш тизимининг қарийб йўқлиги вазиятни қийинлаштиряпти. Мамлакатдаги табиатни асраш ташкилотларининг фаоллари Хиндистон ҳукуматиға “Пластик чиқиндиларга муносабат қоидалари” номи билан қонун қабул қилиш таклифини беришмоқда. Улар бу нормада бир марталиқ пластиклардан фойдаланишни камайтириш, пластик чиқиндиларни қайта ишлашни қўлайтириш каби ишларни таклиф этишмоқда.

Япония – атроф-муҳитга катта эътибор бериши ва тозаллиги билан машҳур бўлган бу мамлакат пластик чиқиндилар масаласида жиддий муаммоларга дуч келаётгани хайратланарли. Японияда ҳар йили тахминан 9 миллион тонна пластик чиқинди ишлаб чиқарилади, уларнинг 40 фоиздан ортиғини бир марталиқ идишлар, турли қадоқлар ва озиқ-овқат идишлари ташкил этади. Японияда дунёдаги энг йирик пластмасса қадок ишлаб чиқарувчи компания жойлашган ва у чиқараётган пластик чиқиндиларнинг катта қисми махсус полигонларга ҳамда океанга тушади. Гарчи Японияда қайта ишланадиган материалларни йиғишнинг самарали тизими мавжуд бўлсада, пластик чиқиндиларнинг бор-йўғи 19-20 фоиз қайта ишланади. Қолган бир қисми ёндирилади, асосий қисми эса қайта ишлаш учун бошқа мамлакатларга юборилади.

Индонезия – ҳар йили тахминан 7,8 миллион тонна пластик чиқиндиларни ишлаб чиқаради. Улардан 4,9 миллион тоннаси очиқ чиқиндиҳоналарга ташланади ёки ёқиб юборилади. Яна бир қисми дуч келган жойга йиғтирилади. Ёгингарчиликлар туфайли уларнинг аксарияти сув ҳавзаларига тушиб, океанга чиқиб кетади. Сўнгги йилларда Индонезияда ҳар йили тахминан 600 минг тонна пластик чиқинди денгизларга чиқиб кетаяпти.

Россия – бу давлатда ҳам пластик чиқиндилар миқдори ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу давлатда йилга 8-10 миллион тонна пластик чиқиндилар ишлаб чиқарилмоқда. Россия бу кўрсаткич билан пластик чиқиндилар ишлаб чиқариш кескин ошган давлатлардан бирига айланди. Бугун бу давлат пластик чиқиндиларни йиғиб олиш ва қайта ишлаш масаласида жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Чунки Россияда ишлар тўғри ташкил этилмаган, чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар ва бу соҳада ишлайдиган етакчи мутахассис кадрлар йўқ. Уларни тайёрлаш тизими ҳам ташкил этилмаган.

Германия – пластмасса ишлаб чиқариш бўйича Европада биринчи, жаҳонда юқори ўринларда туради. Шунингдек, бу давлат пластик чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ҳам дунёда етакчи давлат ҳисобланади. Мамлакатда ҳар йили тахминан 6,5 миллион тонна пластик чиқинди ишлаб чиқарилади ва уларнинг бир қисми қадоклаш материалларини ташкил этади. Германияда пластик чиқиндиларнинг 40 фоизга яқини қайта ишланади. Бир қисми Осиё ва Африкадаги давлатларга чиқариб юборилади. Қолгани бошқа давлатларда бўлгани каби ёқилади, атрофга ва сув ҳавзаларига тушади.

Буюк Британия – пластик чиқиндиларни ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринда, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса дунёда биринчи ўринда туради. Бу мамлакатда ҳар йили тахминан 6,5 миллион тонна пластик чиқинди чиқарилади ва уларнинг бир қисми қадоклаш материалларини ташкил этади. Германияда пластик чиқиндиларнинг 40 фоизга яқини қайта ишланади. Бир қисми Осиё ва Африкадаги давлатларга чиқариб юборилади. Қолгани бошқа давлатларда бўлгани каби ёқилади, атрофга ва сув ҳавзаларига тушади.

Мексика – пластик ифлосланишдан азият чекаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда ҳар йили тахминан 6 миллион тонна пластик чиқинди чиқарилади ва улар атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Мексикада чиқиндиларни йиғиш даражаси жуда юқори – 91 фоиз. Бироқ уларнинг бор-йўғи 15 фоизи қайта ишланади. Қолган чиқиндиларнинг катта қисми тартибга солинмаган чиқинди полигонларига ташланади ва улар атроф-муҳитга сочилиб кетади.

ФАЙЗОБОД ХОНАҚОҲИ Ўрта Осиё меъморчилигининг бетакрор дурдонаси

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро минг йиллик тарихга бой ҳудуд. Бу қадимий шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир пештоқи тарихдан сўзлайди. Ана шундай бекиёс обидалардан бири – XVI аср охирларида бунёд этилган Файзобод хонақоҳидир. Хонақоҳ Ўрта Осиё меъморчилигининг энг юксак намуналаридан бири сифатида тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган.

Тарихий манбаларга кўра, Файзобод хонақоҳи машҳур сўфий Мухаммад Шоҳи Ахсий Файзободий томонидан бунёд этилган. У 1601 йилда вафот этган бўлиб, Файзобод мавзесидagi қабристонга дафн этилган. Шу сабабли, хонақоҳ нафақат ибодат жойи, балки “нақшбандия тариқати” вақилларининг маскани ҳам бўлган. Шоҳи Ахсий Файзободий авлодларининг қабри ҳам шу жойдан ўрин олган бўлиб, бу ердаги бир неча уларнинг жасадлари борлигини билдиради. Тугънинг ююрисидa беш панжа белгисининг борлиги эса ислом динининг беш арконига ишора эканлига шубҳа йўқ. Шунингдек, бу даврда хонақоҳлар (сўфийлар маскани) дарвешларнинг йигин жойи сифатида қурилган ҳамда диний-маънавий иншоотлар Бухоро меъморчилигида кенг тарқалган эди. Айнан шайбонийлар сулоласи даврида бу турдаги бинолар ўзининг нафислиги, безаклари ва гумбазли тузилиши билан ажралиб турган.

Улар орасида Файзобод хонақоҳи пишиқ гишт, ёғоч, тош ва гангдан қурилгани билан эътиборли. Тарҳи эса 35x28,8 метр бўлиб, марказида 12,7x12,7 метр ўлчамдаги гумбазли катта хона жойлашган. Олд томонида улкан пештоқ, икки ёнида эса икки қаватли ҳужралар ва равоқли йўлақлар мавжуд. Пештоқ ва ҳужраларда ганҷкори панжаралар ҳам ўрнатилган. Меъморлар шу қадар диққат билан ишлагани, хонақоҳга гумбаз 8 қиррали пойгумбаз ўрнатилган бўлиб, хона ичига ёруғлик тушганда шу пойгумбаздаги кичик



дарчалардан бошқа хоналарга ҳам кирди. Гумбазнинг остки қисми қирқма пардоз услубида, ўйма нақшлар билан безатилган. Қулранг ва сариқ ганч асосида ишланган нақшлар хонақоҳ ичига чирой бағишлайди.

– Файзобод хонақоҳи бетакрор меъморий ечимга эга, – деди Ўзбекистон миллий педагогика университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобожонов. – Унинг архитектураси Бухоронинг бирор обидасида учрамайди. У очиқ равоқли галерия шаклида қурилгани билан ажралиб туради. Бино атрофида қад кўтарган галерея Марказий Осиё иклими учун жуда зарур. Уч томондан атрофли равоқли бостирма галерея билан ўраб олингани ибодатга келувчилар учун салқин муҳит яратган. Хозирда бино икки қанотининг ҳар бирида бештадан кўркем тоқлар бўлиб, улар композицияга алоҳида уйғунлик бахш этмоқда. Ташқи кўриниши меъморий формаларнинг жуда қудратли ва мустаҳкам бўлишига қарамай, зал ичкарисида чамбарали парусларнинг енгиллиги сезилиб туради. Уларнинг тепаси сталактит қошона, яна баланд-роқда гумбаз “қосаси” бўлиб, у жуда чиройли безатилган. Булар газмоаллардаги безакларни эслатади.

Вақф ҳужжатларида қайд этилишича, хонақоҳ мулкига ўнлаб дўконлар, теғирмонлар ва ҳаммомлар тегишли бўлган. Бу эса, Файзобод хонақоҳи нафақат диний, балки ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Ички тузилишида меҳроб ортида уч

қаватли ҳужралар жойлашган бўлиб, улар дарвешларнинг вақтинча истиқомат қилишлари учун мўлжалланган.

Асрлар оша табиий ва инсон омиллари таъсирида вайронага айланган Файзобод хонақоҳи XX асрнинг 70–80 йилларида Бухоро махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси томонидан қайта тикланган. Бинода чор услубининг айрим қисмлари ҳам қайта реставрация жараёнидан кейин ўз асл қиёфасига қайтган. 1970–1971 йилларда олиб борилган тиклаш ишлари давомида хонақоҳ атрофидаги қадимий қабристон бузилиб, ўрнида гулзор ташкил этилган. 2008–2012 йилларда эса яна бир бор илмий асосланган таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Натижада, хонақоҳнинг ички гумбаз қисми, нақшлари ва исломий безаклари асл ҳолига яқин тарзда тикланган.

Хозирги кунда Файзобод хонақоҳи масжид сифатида фаолият юритмоқда. Унда ҳар кунлик беш маҳал намоз, жума ва жамоат ибодатлари адо этилади. Шунингдек, бу ерда сўфийлик анъаналарини давом эттирувчи маросимлар ҳам ўтказилади.

Айтиш жоизки, Файзобод хонақоҳи 2000 йил 30 августда қабул қилинган конунга мувофиқ, ЮНЕСКО жаҳон ёдгорликлари рўйхатида киритилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон моддий-маданий меросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатида туради. Шубҳасиз, у яна минг йиллар давомида Бухорога тарихий гурур тимсоли сифатида кўрк бағишлаб туради.

Туризмда миллий қадриятлар уйғунлиги зарур

Хонкул САМАРОВ, Регистон ансамблини таъмирлаш ва фойдаланиш дирекцияси директори.

Ўзбекистонда жами 8 минг 208 та моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объекти давлат рўйхатида олинган бўлиб, шундан 4 минг 748 таси археология ёдгорликлари, 2 минг 250 таси архитектура ёдгорликлари, 678 таси монументал санъат ёдгорликлари, 532 таси эса диққатга сазовор жойлардир.

Туризмни ривожлантиришда ҳар бир давлат ўз халқининг ўтмиш маданий меросининг бошқа халқларда учрамайдиган кўринишларини, миллий анъаналарини жаҳондаги бошқа халқларга кўрсатишни ва ўтмишидаги воқеалар, жараёнлар билан таништиришни хоҳлайди.

Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнида геосиёсатнинг халқлар ва миллатларни камситувчи йўналишлари ҳам шиддат билан ишламоқда. Хозирда жаҳон туризмда миллий мерос бойликларининг моддий-маданий мерос объектлари тарихий-маданий туризмнинг асосий ресурслари ҳисобланади.



- халқимизнинг асрлар давомидаги ижоди, бутун бойликларини асраб-авайлаб келаётгани ва ўзига хос бўлган турмуш кечиришини кўрсатиш.

Миллий мерос бойликларидан туризмда фойдаланиш инсонларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Халқларнинг маданияти, яшаш тарзи, урф-одатлари, ҳозирдаги ривожланиш даражаларини билиб олишга ёрдам беради.

Миллий мерос бойликлари ва қадриятларидан туризмда фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантириш учун дастлабки бажариладиган ишлар албатта, ташкилий тузилмаларни яратишни талаб қилади. Бизнинг ҳулосаларимиз бўйича бу тузилмалар юқорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ташкил қилиниши мақсадли бўлади.

Бунинг учун, энг аввало маданий мерос бойликлари ва қадриятларидан туризмда фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий дастурини ишлаб чиқишимиз зарур.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР ҚИЗГИН РУҲДА ЎТДИ



Газета – халқ билан давлат ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси ҳисобланади. Замонавий технологиялар қанчалик ривожланмасин, газетани севиб ўқувчилар учун матбуотнинг ўрни, таъсири ўзгача.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида юртимизда ягона нашр ҳисобланган “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси ходимлари билан навбатдаги ижодий учрашувлар Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлиб ўтди.

Қизгин руҳда ўтган учрашувларда газета бош муҳаррири Дилшод Жалолов тахририят ривож, газетанинг келгуси фаолияти соҳа ходимларининг фаоллигига ҳам боғлиқлигини таъкидлади. Шу билан бирга, газетада бериб бориладиган мақолаларнинг мазмун-мундарижаси, ёритилиши ке-

рак бўлган масалалар ҳақида учрашув иштирокчиларининг ҳам фикрлари тингланди.

Учрашувлар давомида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вақиллари, ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари, лойиҳа ташкилотлари, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари – бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга тахририят ходимларидан батафсил жавоб олишди. Ўз навбатида, улар ҳам фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва талаблари билан ўртоқлашдилар.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСАЛARI:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзТАШҚИЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 1141.
1738 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятта
келган қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Тўрон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎА яқуни – 22.25.
Тошпириди – 23.00.